Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 42-43 (493-494) 2021 йил 28 май, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI



## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Аҳоли саломатлиги йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида 2021 йил 1 сентябрга қадар замонавий талаблар асосида, хусусан катталар ва болалар учун алоҳида жарроҳлик, жонлантириш, интенсив терапия, трансфузиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлинмасини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда янги бинолар қурилиш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида замонавий янги бино-иншоотлар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда илғор халқаро тажрибага асосланган буюртмачи хизматини ташкил қилиш шаҳарсозлик фаолиятини самарали амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятининг самарадорлиги тизимли равишда таҳлил қилиб борилмаяпти.

Ўз навбатида, ижтимоий ва инфратузилма объектларида нархларни шакллантириш, қурилиш ишларини ташкил қилиш, техник ва муаллифлик назоратини олиб бориш, қурилиш ишлари сифатини таъминлаш ва объектларни фойдаланишга топширишда қуйидаги масалалар долзарблигича қолмоқда:

**биринчидан,** вазирликлар ва идораларда давлат аҳамиятига молик қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи тизим мавжуд эмас;

**иккинчидан,** буюртмачи хизматининг функциялари, вазифалари, жавобгарлиги, ҳуқуқлари, лойиҳачи ташкилот ва пудратчи ташкилотлар билан ўзаро шартномавий муносабатларини ўзида акс эттирган ягона тартиб мавжуд эмас;

**учинчидан,** буюртмачи хизмати учун ҳақ тўлаш механизми такомиллашмаган, иш юкламалари, моддий жавобгарлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш мутаносиб эмас;

**тўртинчидан,** соҳада коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар натижадорлигининг пастлиги малакали мутахассис ва раҳбар кадрларни тайёрлаш имконини бермаяпти;

**бешинчидан,** моддий-техник базани ривожлантиришга қаратилган ишлар тизими шаклланмаганлиги ва замонавий ахборот технологиялари талаб даражасида жорий этилмаганлиги соҳа фаолиятини чуқур таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида таъсирчан чораларни ишлаб чиқишда ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Буюртмачиларнинг техник назорат бўйича масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, иштирокчилар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий бошқарув тизимини жорий этиш орқали буюртмачи хизматини ислоҳ қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизматининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қурилиш объектларида муаллифлик ва техник назорат олиб бориш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи хизматларнинг:

амалдаги тузилмаларини ҳамда қурилиш соҳасига оид идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсин;

мажбуриятларнинг тўлиқ бажариш имконини беришни назарда тутган ҳолда, улар моддий-техник базасини (маъмурий бино, транспорт воситаси, оргтехника) мустаҳкамласин;

3-бет

### Шу куннинг гаплари

2021-2022 йилларда Урганч давлат университетининг **2 000** ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қуриладиган бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилда **700 млрд** сўмлик 180 гектар иссиқхоналар ташкил қилинмоқда.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида **44 та** янги мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилади.

Пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида қад ростлаган иккита 16 қаватли, ҳар бири **80** хонадондан иборат уйлар тез кунда фойдаланишга топширилади.

Наманган туманидаги Катта Тошлоқ маҳалласи ҳудудида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида **9 та 5 қаватли** намунавий уйлар қурилади.

**Йўлсозлик бўйича Германия тажрибасидан фойдаланилади.** Бу ҳақда Тошкент давлат транспорт ва Германиянинг Дрезден техника университетлари ўртасида ўтган онлайн мулоқотда эътироф этилди.

## Қурилиш материаллари сифати ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган ва хориждан олиб келинаётган қурилиш материаллари сифатини ким назорат қилади? Қандай назорат усуллари мавжуд? Бу борада юртимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Миллий матбуот марказида “Ўзстандарт” агентлиги ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган “Қурилиш материаллари: сифат ва назорат” мавзусидаги матбуот анжуманида бу саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.**

Охирги йилларда қурилиш материаллари саноати соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида янги турдаги инновацион, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари кўплаб яратилди. Жумладан, гулқоғоз, суюқ гулқоғоз, золоблок, газоблок, пеноблок, полистролблок, композит (асбестсиз) шифер, ўтга чидамли ғишт, юмшоқ том ёпқич материаллари, иссиқлик изоляциялаш материаллари ва маҳсулотлари (базальтли, минералли, тошдан олинган), базальтдан арматура, базальтдан тола, базальтдан сетка, фрита (кафелларга ранг беришда ишлатиладиган хомашё), декоратив бўёқлар, мозаикалар (тошли, шишали ва керамикали), спорт линолеуми, маиший линолеум, шиша толаси, шиша толасидан сетка, гидроизоляция материаллари, геотекстиль, геомембрана, бентонит мат (тўшама), геосетка, георешетка, геокомпозитлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарилмоқда.

Сифатли ва хавфсиз янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида 2019 йилда 340 та ва 2020 йилда 626 та (қарор билан 542 та халқаро стандартларни қабул қилиш вазифаси белгиланган) халқаро стандартлар қабул қилинди. Шу билан бирга, қўшимча 12 турдаги қурилиш материаллари бўйича халқаро стандартлар (ISO, EN, GB/T) ўрганиб чиқилиб, янги 318 та халқаро стандарт жорий қилиниши учун Уюшма таклифлари “Ўзстандарт” агентлигига юборилди.



“Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Департамент томонидан 2021 йилнинг ўтган даврида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўрганишлар ўтказилди. Ушбу профилактик тадбирларида аниқланган камчиликлар хусусида Департамент бошлиғи ўринбосари Комилжон Бекмирзаев қуйидаги маълумотларни берди:

– Республикамиздаги 349 та корхона фаолиятини ўрганиш натижасида 132 тасида камчиликлар борлиги аниқланди ва 64 та ҳолатда стандартлар жорий этилмагани маълум бўлди. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотига стандарт йўқ. Стандарт ўзи нима? Стандарт – кўпчилик манфаатдор томонлар томонидан тасдиқланган меъёрни белгилаб берувчи ҳужжатдир.

6-бет

Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 22-моддаси нима ҳақида?



**22-модда.** Туманлар (шаҳарлар) ижро этувчи ҳокимият органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

**Туманлар (шаҳарлар) ижро этувчи ҳокимият органлари:**

- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти объектларининг бут сақланишини таъминлайди;
- шаҳарлар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва истиқболдаги урбанизация жараёнлари асосида аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қилади;
- маҳаллий аҳамиятга молик объектларни қуришга доир шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради ва бу объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;
- ўз ҳудудидаги шаҳарсозлик фаолиятини, агар бу фаолият шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб туради ёки тақиқлайди. Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа реал таҳдид юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;
- ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилади;
- туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳаларини, қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;
- аҳоли пунктларини қуриш қоидалари лойиҳаларини тасдиқлаш учун тегишли ҳокимият вакиллик органларига киритади;
- шаҳарсозлик фаолияти объектларининг қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) масалаларига доир шаҳарсозлик фаолиятини назорат қилади ҳамда режалаштиради, шу жумладан реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) қурилиши учун ажратиладиган ер участкалари рўйхатини шакллантиради, уларни паспортлаштиришни амалга оширади;
- шаҳарсозлик фаолияти объектларининг техник ҳолати инвентаризациядан ўтказилишини ташкил этади;
- шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидаги ўзининг расмий веб-сайтлари орқали аҳолини мунтазам равишда хабардор қилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси қоидалари шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг вакиллик ҳокимияти органларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Туманлар (шаҳарлар) вакиллик ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## Лойиҳа тўлиқ ўзлаштирилиши белгиланган




**Бугунги кун ҳолатига республика бўйича жами 6,9 миллиондан ортиқ ҳисоблагич ўрнатиб бўлинди. Президентимиз томонидан жорий йил 1 августгача жами 7,4 миллионтага яқин ҳисоблагични алмаштириш бўйича берилган топшириққа асосан бу борадаги ишлар қарийб 93 фоизга уддаланди.**

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ҳолати ва эришилган натижалар” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда Жамият мутасаддилари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов анжуман бошида йиғилганларга замонавий тизимни амалиётга жорий этиш бўйича шу кунгача амалга оширилган ишларга қисқача тўхталиб ўтди.

3-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42-43 (493-494) 2021 йил 28 май

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

**Бугун янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси шаклланяпти. Замонавий иморатлар, иншоотлар қад ростлаяпти. Биргина пойтахт Тошкент шаҳрининг аввалги Сергели тумани ҳудудига кирувчи айрим жойлар 3-4 йил олдин очиқ ерлардан иборат бўлган бўлса, қисқа муддат ичида бу ерда 500 га яқин кўп қаватли уйлар қад ростлади, мактаб, боғча ва поликлиникалар қурилди. Умуман олганда, бу ерда янги бир шаҳарча бунёд этилиб, “Янги ҳаёт” номи берилди.**

– 2016 йилда Муҳтарам Президентимиз катта мажлисда келгуси йилда 191 та 7 қаватли уй қурамиз, деб эълон қилди. Буни эшитиш бизга бироз эриш туюлиб, ўша дамда хаёлимиздан жуда кўп нарса ўтди. Чунки, бундай улкан қурилишларни амалга ошириш учун ўша вақтда на техника ва на қурилиш индустрияси сақланиб қолган эди, қурилиш пудрат ташкилотлари ҳам мавжуд эмас эди, – дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси раҳбари Козим Тўлаганов. – Қандай қилиб бир йилда шунча уйни қурамиз, деган хавотир ҳам бўлди кўнгилда. “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси ташкил этилиб, унинг буюртмачилиги асосида 2017 йилда республика бўйича 191 та уй қурилган бўлса, шулардан 66 та кўп қаватли турар жойлар Сергели туманида барпо этилди. Ёдимда бор, Сергели туманида уйлар қурила бошлаганда ушбу ҳудудда сув сатҳининг юқорилиги боис бир қанча сув тортиш иншоотларини барпо этиш, 700-800 минг квадрат метр майдонда йиғилиб қолган чиқиндиларни тозалаш талаб этиларди. Вақт ўтиб уларнинг барчаси амалга оширилди. Ҳудуд чиқиндилардан тозаланиб, сувнинг сатҳи пастга туширилгач, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Уч йил давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 2017 йили 66 та, 2018 йилда 102 та, 2019 йилда 120 та кўп қаватли уйлар қурилиб аҳоли ихтиёрига топширилди. Сергели туманининг 6, 7, 8-массивларида 440 та турар жой барпо этилиб, 18 мингга яқин оила шахсий уйига эга бўлди.

Республикамиз ҳудудларига разм соладиган бўлсак, кўп йиллар давомида умумий рақам 10 миллион квадрат метр атрофида бўлган бўлса, 2017 йил ушбу рақам 12,5-13 миллион квадрат метр, 2018 йилда 13,5, 2019 йилда эса 15 миллион квадрат метрни ташкил этди. Ўтган йилги пандемия туфайли ҳам бу кўрсаткич камайгани йўқ. Бу йил ҳам катта ҳажмда қурилиш ишлари давом эттириляпти.

Янги ҳаёт тумани ҳудудига назар солар эканмиз, юртимизнинг қурилиш имкониятларини, қолаверса, Янги Ўзбекистоннинг бутун бўй-бастини кўрамиз. Қисқа муддатда рўй берган бу катта бунёдкорлик ишларига эътибор берсангиз ақлингиз шошади. Замонавий архитектура, бунёдкорлик, ободлик ва шинамликдан инсонлар рози бўлмоқда.

– 2019 йилда ушбу уйлардан бирини бизга тақдим этишди. Декабрь ойида қўлимизга сертификатни беришганда жуда ҳаяжонланган эдим, – дейди янги уй соҳибаси Зулфия Абдуллаева. – Менга ўхшаган уй-жойга муҳтож фуқаролар жуда кўп экан. Уларни кўриб, ҳаёт ҳаммамизга қувонч бахш этди, дедим. Авваллари ижарада кўп яшадим. Ҳозирда эса ўз уйимда яшаяпман, тўйлар қилдим, набирали бўлдим. Оғир кунлар ортда қолди. Муҳтож оилаларга, хотин-қизларга катта эътибор қаратилаётганидан оддий аёл, она сифатида жуда мамнунман, бундай ғамхўрлик учун Президентимизга ташаккур айтаман.

Юзлаб мана шундай эҳтиёжманд оилалар давлатимиз ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши сабабли ўз уйига эга бўлди. Янги кўп қаватли уйларнинг атрофи ободонлаштирилди, замонавий қиёфага келтирилди. Ташқи кўркамлик, қулайлик билан бир қаторда сифатга ҳам катта эътибор қаратилди. Буларни кўриб қурилиш сифати назоратига масъул бўлган Козим Тўлагановга яна юзланамиз:

– Козим Носирович, қурилишлар кўламли катта. Аммо бу сон, сифатга таъсир қилмайдими? Қурилишда сифат қай даражада назорат қилиняпти?

– Ўтган йили Муҳтарам Президентимизнинг тегишли Фармони билан бизнинг тизим янгидан ташкил этилди. Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ягона йўналишдаги фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган 2 йил давомида ходимларимизни ўқитдик, билим ва малакасини ошириб, аттестациядан ўтказдик. Бугунги кунда 300 га яқин қурилишни назорат қиладиган инспекторларимиз бор. Ҳар бир рўйхатдан ўтган объект ўша кундан бошлаб инспектор томонидан тизимли равишда назоратга олинади.

Биргина мисол, ўтган йили 1 131 та ҳужжат судга оширилди. 900 га яқин нотўғри қурилган бинолар қайтадан қад кўтарилишига эришилди. Бу билан 80 миллиард сўм маблағни вақтинчалик тўхтатиб туришга тўғри келди. Бугунги кунга келиб, қурувчиларимиз кўп нарсани тушуниб, англаб етишмоқда. Ҳар бир қурилган объект камида 100 йилга мўлжаллаб қурилади. Шунинг учун биздан яна бир маротаба фикрларни жамлашга, асосий эътиборни сифатга қаратишга, одамларнинг розилигини олишга ҳаракат қилиш талаб этилади. Авваллари қурилиш жараёнлари секин амалга ошириларди, бугунги кунда эса бунинг акси бўлмоқда. Чунки, иморат қанча тез фурсатларда қад кўтарса, нархи ҳам шунча арзон шакллантирилади.

– Ушбу жараёнларни Мустақилликдан аввалги даврлар билан таққослаганда қандай хулосаларга келиш мумкин?

– У йилларда Қурилиш вазирлиги бўлмаган. “Главташкентстрой” деган ташкилот бўларди, вақти келиб у кўпгина ва шу каби бир қатор ташкилотлар фаолияти тўхтатилди. Бу эса ўша даврларда қурилиш соҳасида кадрлар салоҳиятининг тушиб кетишига, тажрибали мутахассисларнинг соҳани ташлаб кетишига сабаб бўлди. Янги мутахассисларни тайёрлаш тизими издан чиқиб кетди. Бугунги кунга келиб эса буларнинг барчаси янгича ва замонавий шаклда қайтадан тикланмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Халқимизда ўз уй-жойига эга бўлиш бу бахтнинг ажралмас қисми саналади. Бироқ, тан олиш керак бозор иқтисодиёти шароитида бу орзуга эришиш осон эмас. Давлатимиз раҳбарининг Президентлик лавозимига киришган илк кунлариданоқ минглаб юртдошларимизнинг шахсий уй-жойларга эга бўлишидек ҳаётий эҳтиёжини қоплаш учун бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Дастлаб қишлоқларда, кейинчалик эса шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурлар қабул қилинди. Улар асосида минглаб эҳтиёжманд оилалар ўз уйига эга бўлди, эътиборлиси бу ишлар бугун янада каттароқ ҳажмда давом этяпти.

2011-2017 йиллар давомида 2 885 та кўп қаватли уй қурилган бўлса, ўтган 4 йилда, яъни 2017-2020 йилларда 3 850 та кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Қувонарлиси, қурилаётган янги уй-жойлар олдида мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари ва бошқа ҳаётий зарур ижтимоий объектлар ҳам қад ростламоқда. Бундан ташқари, аҳоли кўчиб келган янги ҳудудларда иш ўринлари яратилишига ҳам эътибор қаратилмоқда.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бунинг мисолида мактабимизнинг янги биносини кўришимиз мумкин, – дейди Янги ҳаёт туманидаги 331-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Фотима Насруллаева. – 1 680 ўринга мўлжалланган билим масканимиз 2020 йилда замонавий услубда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кимё, биология, физика хоналарида лаборатория машғулотларини ўтказиш учун, информатика хоналарида барча ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган. Янги мактабга Тошкент шаҳрининг барча ҳудудларидан ўқувчилар келишади. Уларнинг билимидаги ўзгаришларни биринчи кунданоқ сездик. Янгича қиёфада қурилган мактаб ўзининг дизайни билан ўғил-қизларни жалб этиб, уларнинг ўқиш савиясига ҳам таъсир этмоқда.

Яна бир гап. Ўн йил давомида мен ҳам ижарада яшаганман. Шу уй-жойлардан бири бизга ҳам насиб этармикин, дея орзу қилардим. Кичкина хонали уйда икки нафар фарзандим турмуш ўртоғим билан қийналиб яшаганмиз. Ҳозир олган уйимиз эса барча шарт-шароитларга эга, кенг, шинам ва ёруғ. Иш жойимга ҳам яқин, бу эса мени ҳам ўқитувчи, ҳам она сифатида хурсанд қилади. Янги ҳаёт туманида жойлашган боғчага қизим боради, мактабга ўғлим келади. Яхши шароит яратилган жойда иш самарали, унумли бўлади.

Биргина мазкур мактабнинг бунёд этилиши бу мамлакат келажагига қўйилган мустаҳкам пойдеворнинг бир устунидир. Кейинги 4-5 йил таълим соҳасида ҳам қурилишлар мавсуми бўлди, десак хато бўлмайди. Бир-биридан замонавий, кўркам таълим масканлари бунёд этилиб, болажонларни ўз бағрига олди.

Рақамларга эътибор қаратсак. 2010 йилда 11 та мактаб қурилган бўлса, 2020 йилда 33 та билим даргоҳи фойдаланишга топширилган. Халқ таълими соҳасида мутлақо янги тизим – Президент мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий, киши эътиборини тортадиган кўринишда бунёд этилаётган ушбу мактаблар ўзининг ташқи кўриниши, мукаммал архитектуравий ечими билан ривожланган мамлакатларнинг ҳеч бир таълим масканидан қолишмайди.

– Бундай билим даргоҳларини лойиҳалаш жараёнларида объектнинг ҳар бир деталига, яъни ўқувчининг қизиқиши, унинг дунёқараши ва илм олиш жараёнига таъсири, инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳолатлари инобатга олинади, – дейди Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси Жаҳонгир Анваров. – Синф хоналаридаги ҳар бир техникадан тортиб то бино ички деворларининг ранги ташқи деворларининг туси, ҳар бир элементнинг жойлашуви ва шакли эътиборга олинади. Президент мактаблари юртимизнинг ҳудудларида, жумладан Тошкент шаҳрида, Наманган ва Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида қурилиб фойдаланишга топширилди. Эътибор қаратган бўлсангиз, ҳар бир объектда ўша ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш жараёнлари олиб борилган.

Бундан 4-5 йил аввал пойтахтда саноқли бино ва иншотлар қад ростлар, улар катта байрамлар арафасида фойдаланишга топширилар эди. Бугун пойтахт катта қурилиш майдонига айланган. Қай бир тарафдан қараманг, баланд-баланд замонавий қурилиш биноларига кўзингиз тушади. Қувонарлиси, Тошкентда бошланган бунёдкорлик ишлари бугун республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Ҳар бир вилоятда қурилиш бунёдкорлик жараёнлари тобора шиддатли тус олиб боряпти. Бу эса қурилиш саноатининг ривожланиб бораётганидан далолат беради.

– Муҳтарам Президентимиз томонидан тадбиркорларга эркинлик яратиб, уларга керакли техникани мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш учун имтиёзлар берилаётгани юртимизда йирик қурилиш жамоаларининг шаклланишига замин яратди, – деди Козим Тўлаганов. – Қурилиш учун зарур бўлган энг замонавий техника ва ускуналар олиб келинмоқда, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводлари ишга туширилмоқда. Катта ҳажмда ишлар давом эттириляпти. Булар ўз навбатида, юртимизда қурилиш ишларининг сон ва сифат жиҳатидан юксалишига хизмат қилмоқда. Биргина мисол, ўтган йили республикамизда 25 мингта объект қурилиши рўйхатдан ўтказилган бўлса, жорий йил 1-чорагининг ўзида 16 минг объект қурилиши рўйхатдан ўтказилди. Бугун ана шу объектларнинг 3 мингтаси фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда соҳада “Шаффоф қурилиш” тизими жорий этилди. Тендер масаласи тубдан ислоҳ қилиниб, электрон тендер тизими ишга туширилди. Бу эса қурилишда назоратни кучайтириб, шаффофликни юзага келтириш, турли тўсиқ ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради. Бу ҳам давлат раҳбарининг қурилиш индустриясига қаратаётган улкан эътибори самарасидир.

Авваллари 5 қаватдан юқори уйлар қурилмас эди. Эндиликда, аввалига 7, кейинчалик 9, 16 қаватли турар жойлар қурилиши бошланди. Бугунги кунга келиб 4 қаватли уйлар ўрнини замонавий ва кўркам 9, 12, 14, 16 қаватли уйлар эгаллаяпти. Бу қурилиш саноатида янгича тизим шакллантирилди деган сўз. Бундай иморатларни қад ростлаши учун Бектемир туманида “Бинокор” комбинати тадбиркорлар томонидан шакллантирилди. У бир йилда 140 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой қурилиши учун зарур материалларни етказиб бериш имкониятига эга. Ҳозирда комбинат иккинчи босқичдаги қурилиш ишларини давом эттиряпти. Корхонада Германиядан келтирилган технологияларнинг ҳар бири компьютер асосида бошқарилиб, фасад панеллари орасида базальт толасидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса хомашё иссиқликни 15-17 фоизгача тежайди дегани. Бу биргина мисол. Бундан ташқари, қанчадан қанча бетон заводлари қурилиб, зарур техникалар келтирилди.

– Қурилиш индустрияси тобора ривожланиб бормоқда, – дейди қурилиш вазири ўринбосари Насрулла Бобоев. – Биргина 2019 йилда аввалги йилларга қараганда 22 фоизга ўсиш кузатилган бўлса, 2020 йилда пандемия шароити бўлишига қарамай бу соҳа 9 фоизга ўсди. Бу аҳолини қўшимча иш билан таъминлаш, тадбикорларимиз томонидан қўшимча қурилиш материалларини ишлаб чиқиш, қурилиш тармоғи ўзининг ортидан жуда кўплаб соҳаларнинг кескин тараққий этишига ҳам сабабчи бўлмоқда. Қурилиш соҳасига давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор самарасида юртимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини кенг намоён этиши баробарида юртимизнинг янада кўркам бўлиши, сайёҳлар оқимининг ортиши, иқтисодий салоҳиятимизнинг ортиши, инвесторлар қизиқишининг ўсишига олиб келади.

Қурилиш соҳасида замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши, мутахассислар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида сифат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида соҳада яна бир дадил қадам ташланди. Унга кўра, мўлжалланаётган қурилиш объектининг буюртмаси, пудрат ташкилотини танлаш тендеридан тортиб қурилиш жараёнининг назоратигача, унинг ҳажми, ишнинг бориши, қилинаётган сарф-харажатлар, хуллас, ҳамма босқичлар электрон базага жойлаштирилди. Маълумотлар рақамлаштирилди ва барча жараёнларда шаффофлик таъминланди.

– Қурилиш соҳасида барча маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди, – дейди Қурилиш вазирлиги Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўлими бошлиғи Марат Загрутдинов. – Ҳужжатларнинг электрон шаклда келиши йўлга қўйилиб, қоғоз шаклидан воз кечилди. Шаффоф қурилиш тизимига қурилиш назорати тизими киради. Ўзбекистонда илк бор электрон платформа ишга туширилиб, бугунги кунда ушбу тизим фаол ишлаяпти. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг келиши ҳам рақамлаштирилди, қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинг платформаси ҳам ишга туширилди. Порталимизда маълумотлар вилоятлар кесимида шаффоф ҳолатда кўрсатилган, яъни тендер белгиланганини, тугатилган тендерларнинг умумий миқдори, эълонларнинг сони, барчаси намоён этилмоқда. Бу ишлар учун йўналтирилган маблағлар аниқ рақамлар остида берилган.

Қурилиш ишларига давлат томонидан ажратилган маблағнинг йилдан йилга кўпайиши ўз-ўзидан қурилиш ишларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Натижада қурилиш соҳасининг ўсиш суръатлари 2010 йилда 105,1 фоизга, 2019 йилда 122,9 фоизга, 2020 йилда 109,1 фоизга ортганини кўриш мумкин.

Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг қурилиш салоҳиятини тўлиқ намоён эта олади. Давлат ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш ишларининг катта қисмини ижтимоий соҳа объектлари ташкил этади. Масалан, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида қурилган замонавий шифохона чинозликларнинг кўп йиллик орзусини амалга оширди.

– Аввалги шифохонадан минг марта яхши бу ер, – дейди Толибжон Туёқов. – Авваллари шароитлари у қадар яхши эмасди. Ҳозир жуда ҳам яхши шароитлар яратилган.

2000 йилда бор-йўғи 670 ўринли шифохоналар қурилган бўлса, 2020 йилга келиб бу рақам 4 132 ўринни ташкил этди. Мураккаб пандемия даври мамлакатимиз қурилиш салоҳиятини, тез фурсатларда зарур иншоотларни қуриш борасида тажрибани синовдан ўтказди. Бунга Тошкент вилоятида 33 гектар майдонда 2 000 ўринга мўлжалланган Зангиота юқумли касалликлар шифохонаси қисқа фурсатларда қуриб битказилгани ёрқин мисол бўла олади. Айтиш керакки, бу шифо маскани тез фурсатларда қурилган бўлса-да, касалхонага ташриф буюрган хорижлик мутахассислар ҳам бу ердаги шароитларга юқори баҳо беришди.

Ўтган 2020 йилда қурилиш бўйича йил бошида тасдиқланган режалардан ташқари, катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги бунёдкорлик ишлари мисолида қурувчиларимизнинг маҳорати ва тезкорлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда ҳам қисқа муддатда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ушбу ҳудудда салкам 6 ой давомида 86 та 2 640 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қад ростлаб, 40 га яқин ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи. Бу маскандан бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари орқали бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авж олди. Кўп йиллар давомида эътибордан четда қолган ҳудудлар янгича қиёфага кирди.

Бутун республикамизда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу орқали бутун маҳалла ва қишлоқларимиз янгича кўринишда қад кўтармоқда. Ижтимоий соҳа объектлари, болалар майдончаларини ташкил этиш, ички инфратузилмани яхшилаш, йўлларни соз ҳолатга келтириш, барча ҳудудларда электр тармоқларининг эскирган тизимларини янгилаш ишлари олиб борилиб, қурилиш соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида 2018-2019 йилларда 117 та қишлоқ ва маҳаллаларда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жорий йилда эса мазкур дастур доирасида 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмга яқин қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Бу йил яна 45 мингта янги уй-жойларнинг қурилиши режалаштирилган. Ўтган йилдан бошлаб янги типдаги деган ибора киритилди. Бу қурилиш-пудрат ташкилотлари ерни аукцион орқали олиб, ўша жойда ўзининг маблағи, банк кредити ҳисобига уй-жойларни шакллантириб, аҳолига ипотека асосида бериш дегани. Бу нарса дунё тажрибаси асосида Ўзбекистонга ҳам кириб келди.

Тинчлик барқарор бўлган, инсонлар тўкин яшаётган жойдагина қурилиш, бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзади. Бугунидан рози, эртасидан умиди катта инсонларгина йўллар, уйлар, мактаблар, муҳташам иншоотлар қуради. Бу билан йилдан йилга қурилиш шиддати ортиб бораверади. Зеро, олдимизда улкан мақсадларимиз ва бу марраларга етишимиз учун ҳар томонлама асосларимиз бор.








ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

жойлашган мавжуд биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш ишлари юзасидан асослантирилган таклифларни бир ой муддатда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

буюртмачи хизматлар жойлашган мавжуд биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Молия вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган объектлар қурилишини молиялаштириш тартиби ва объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир намунавий пудрат шартномасини бир ой муддатда тасдиқласин ва ижрога қаратсин.

4. Қурилиши марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича буюртмачи хизматлар раҳбар ходимлари ва мутахассислари учун белгиланадиган ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф коэффициентларига 3 баравар миқдорда оширилган коэффициент қўлланилсин.

5. 2021 йил 1 июндан бошлаб объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари бўйича шартнома мажбуриятларининг бузилганлиги учун буюртмачи фойдасига суд ва судгача ҳал қилиш тартибида ундирилган жарима (санкция) ва пеналар, шунингдек, харидлар жараёни талаблари бузилганда, тендер ва танлов таклифларини гаров, кафолат, закалат тарзида таъминлаш учун киритилган давлат харидлари иштирокчилари маблағларининг 50 фоизи – Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ҳамда қолган 50 фоизи – буюртмачи хизмати банк ҳисоб рақамига йўналтирилади.

6. Белгилансинки, ушбу қарорнинг бешинчи бандига мувофиқ буюртмачи хизмати банк ҳисоб рақамига ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа даромадлардан тушадиган маблағлар қуйидагиларни молиялаштиришга йўналтирилади:

буюртмачи хизмати раҳбарлари, ходимлари ва мутахассисларининг лавозим маошларига узоқ муддат ишлаганлиги учун рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда устамалар тўлашга: 2 йилдан 5 йилгача – 0,2; 5 йилдан 10 йилгача – 0,4; 10 йилдан 15 йилгача 0,6 ва 15 йилдан ортиқ – 0,8;

буюртмачи хизмати ходимларига қонунчиликда белгиланган рағбатлантириш ва мукофот пулларини тўлашга ҳамда буюртмачи хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплашга.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги келгуси йиллардаги Инвестиция дастурларини шакллантиришда буюртмачи хизматлар жойлашган мавжуд биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш ишлари учун марказлашган манбалар ҳисобидан маблағ ажратишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2021 йил 1 июндан бошлаб буюртмачи хизматининг штатлар жадвали ва таъминот харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказишда техник назорат мутахассислари учун хизмат сафари харажатларининг объектлар жойлашган масофадан келиб чиқиб, жорий нархларда белгиланишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан қурилиш объектларида техник назорат соҳасидаги масъул мутахассисларга уларнинг иш тажрибаси, бириктирилган объектларнинг ўз муддатида сифатли топширилганлиги, қурилиш жараёнида бартараф этилган камчиликлар, соҳавий малакаси каби мезонлар асосида малака тоифаси белгиланади.

Буюртмачи хизматлар Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган малака тоифаси асосида техник назорат соҳасидаги масъул мутахассисларга улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги тариф коэффициентларига 2021 йил 1 августдан бошлаб:

биринчи тоифа учун – 0,2 миқдорда;
иккинчи тоифа учун – 0,5 миқдорда;
учинчи тоифа учун – 0,7 миқдорда;
олий тоифа учун – 1,0 миқдорда коэффициент қўшилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда қурилишда техник назорат бўйича мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Давлат тест маркази билан биргаликда тасдиқланган режа-жадвал асосида 2021 йил сентябрь ойида буюртмачи хизматларнинг техник назорат бўйича ходимларини аттестациядан ўтказсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аттестация натижаларини инобатга олган ҳолда, техник назорат бўйича ходимларга тегишли малака тоифаларини белгиласин ҳамда буюртмачи хизматларни соҳа бўйича зарур билим, кўникма ҳамда иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Буюртмачи хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Қурилиш вазирлигига қуйидаги вазифалар юклансин:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан буюртмачи хизматига юклатилган вазифаларни ўз муддатида ва тўғри ижро этилишини талаб қилиш, улар бўйича ахборотларни йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этиш ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чорак якунидан сўнг Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш;

буюртмачи хизмати раҳбар кадрлари ҳамда мутахассисларини шаҳарсозлик соҳасидаги билимларини тизимли равишда аттестациядан ўтказиб бориш, малакасини ошириш ҳамда уларга белгиланган тартибда малака тоифасини бериш.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда буюртмачи хизмати фаолиятини амалга ошириш ва қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш учун аккредитациядан ўтиш тартибини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б. И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 20 май
№321

***Манба:*** *lex.uz*

*Қарор иловалари билан газетамизнинг келгуси сонларида танишишингиз мумкин.*

# Корхонада ишчилар сони 6 мингтага етказилади

**Сирдарё вилоятидаги "Sirdaryo Mega Luks" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида қадоқлаш маҳсулотлари, юмшоқ контейнер қоплари, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.**

Корхона 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, айни пайтда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 50 минг тоннани ташкил этади. Келажакда бу кўрсаткични 150 минг тоннага олиб чиқиш мўлжалланган.

Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Арманистон, Афғонистон, Исроил давлатларига экспорт қилинмоқда. 2020 йил якуни бўйича экспорт ҳажми 35 фоизни ташкил этди.

Яқин келажакда корхонада БОПП ва стретч-пленка, термоформинг ва БОПЭТ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, корхонага яқин ҳудудда ишчи-ходимлар учун 9 та 7 қаватли хизмат уйлари, диагностик марказ, болалар боғчаси барпо этиш режалаштирилган.

Айни пайтда корхонада 1 600 киши меҳнат қилмоқда. 2023 йилга қадар маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайтирилиши ҳисобига ишчилар сони 6 000 тага етказилиши мўлжалланган.




**Суратда:** Сирдарё вилоятидаги "Sirdaryo Mega Luks" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида.
**Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Лойиҳа тўлиқ ўзлаштирилиши белгиланган

1-бет

– Бугунги кун ҳолатига республика бўйича жами 6 миллион 900 мингдан ортиқ ҳисоблагич ўрнатиб бўлинди. Президентимиз томонидан жорий йил 1 августгача жами 7 миллион 400 мингтага яқин ҳисоблагични алмаштириш бўйича берилган топшириққа асосан бу борадаги ишлар қарийб 93 фоизга уддаланди, – деди Ж. Обиджонов. – Ҳозиргача ушбу ўрнатилган ҳисоблагичларнинг қарийб 5 миллионга яқини биллинг тизимига уланган бўлиб, биллинг тизимига уланган ушбу истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар автоматик равишда амалга оширилмоқда ва ҳисоблагичлар бўйича маълумот олиш ва назорат қилиш имконияти мавжуд.

Айтиш керакки, АСКУЭ тизимини жорий этишдан асосий мақсад истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шаффофликни таъминлаш, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларга аниқлик киритиш, шу билан бирга, истеъмолчиларнинг фойдаланган электр энергияси учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш, электр энергиясини тақсимлашда ҳар бир истеъмолчи ва трансформатор пункти кесимида керакли маълумотларни олиш ҳамда таҳлил қилиб бориш, шу билан бирга, ушбу олинган маълумотлар асосида модернизация ишларини амалга ошириб бориш ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу тизим орқали истеъмолчиларнинг ҳисоблагичларига ташқаридан аралашувлар, ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олди олинади. Қолаверса, кўп ҳолатларда қарздорлиги мавжуд истеъмолчилар тармоқдан ажратилганда улар томонидан ўзбошимчалик билан қайта уланиб олиш ҳолатлари мавжуд эди. АСКУЭ тизими айнан шундай ноқонуний аралашишларнинг олдини олади. Дейлик, истеъмолчи томонидан шундай ҳолатга йўл қўйилган ва қарздорлик қопланган тақдирда ҳам ҳисоблагичлар автоматик ёқилмайди. Бунинг учун электр таъминоти корхоналари мутахассислари томонидан тегишли чоралар кўрилгач, ёқиб берилади.

Шу билан бирга, ушбу тизим жойлардаги катта юкламалар билан ишлаётган трансформатор пунктлари ёхуд тармоқларни аниқлаш, юзага келадиган авариявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, унинг ёрдамида келгусида модернизация ва қурилиш ишларини амалга ошириш ҳамда, энг асосийси, истеъмолчиларимизни барқарор электр энергияси билан таъминлаш учун хизмат қилади.

Анжуман давомида, шунингдек лойиҳа қувватлари ҳақида тўхталиб ўтилди. Хусусан, умумий қиймати 587 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур лойиҳанинг илк босқичи Осиё Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилгани ва бунинг учун 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилгани ҳақидаги маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тизим тўлиқ жорий этилиши натижасида электр энергияси таъминотида сезиларли ўзгаришлар бўлиши, аввало, тизимдаги тиғиз соатларда юкламани бошқариш имконияти яратилиб, истеъмолчиларга электр энергиясини олдиндан тўлов асосида етказиб бериш орқали қарздорлик ҳосил бўлишининг олди олиниши, шу тариқа тўлов маданияти шакллантирилиши ҳақида гапирилди. Қайд этилганидек, айланма маблағлар танқислиги сабаб модернизация ва реконструкция қилинмаётган тармоқларга кўпроқ маблағ ажратиш ҳисобига электр энергиясини узатишдаги узилишлар сони сезиларли даражада қисқаришига эришилади. Асосийси, дастур орқали қайси тармоқ ёки ҳудудларда меъёрдан ортиқ йўқотишлар бўлаётганини аниқлаш орқали электр энергиясини узатишда тижорат йўқотишларга имкон қадар тўсиқ қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, электрон ҳисоблагичлар Жанубий Кореянинг "KT Corporation" компанияси ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – "Электрон ҳисоблагич" ҚК ва "Тошэлектроаппарат" МЧЖлар томонидан жаҳон стандартлари асосида юртимиз иқлим шароити, хусусан, ҳавонинг энг иссиқ ва энг совуқ даражасига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

– Автоматлаштирилган тизимга уланган электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш, аввало, фуқароларга ҳам қулайлик яратади. Аввалги ҳисоблагичларда саноқли маълумотлар жамланган бўлса, "ақлли ҳисоблагичлар"да 40 га яқин маълумотни кўриш имконияти мавжуд бўлиб, эгасига тахминан 25 йилгача хизмат қилиши кўзда тутилган, – дейди Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази директори Р. Мирсалихов.

Матбуот анжуманида истеъмолчиларга қулайлик яратиш ҳамда ҳисоблагичларга техник хизмат кўрсатиш мақсадида "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ томонидан Самарқанд шаҳрида лойиҳанинг 1-фазаси доирасида Самарқанд, Бухоро ва Жиззах вилоятларида ўрнатилган "KAIFA" русумли ҳисоблагичларга сервис хизматини кўрсатувчи Марказ ўз ишини бошлагани ҳақида гапириб берилди.

Таъкидланганидек, Марказнинг вазифаларига кафолатли бепул ёки пуллик хизмат кўрсатиш, ҳисоблагич нуқсонларини бартараф этиш учун эҳтиёт қисмларни бошқариш, маълум даражадаги нуқсонларни таҳлил қилиш билан бирга, носоз қурилмаларни шу ернинг ўзида тузатиш имкони мавжуд.

Айни кунларда республикамизнинг қолган ҳудудларида ҳам маҳаллийлаштириш дастури асосида "Электрон ҳисоблагич" ҚК ва "Тошэлектроаппарат" МЧЖда ишлаб чиқарилган ҳисоблагичларга хизмат кўрсатиш сервис Марказларини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан:**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан қайта танлов савдоларини эълон қилади!

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 28 май.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимига кирган "СС" ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Манзил:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кучаси 59-"а" уй. **Телефон:** 61-222-36-25, **факс:** 61-222-74-12.

**6. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича** ёзма ёки электрон шаклда **мурожаат қилишлари мумкин:** "Қорақалпоғистон Республикаси, _________тумани, ___________массивидаги, _________ лот ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман."

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчисининг – Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларининг банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайднган тулов БЭКИҲМга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:** АТБ "Капиталбанк" Нукус филиали СТИР 202 610 040 МФО 01038 ҳ/р: 2021 0000 9039 5251 8001.

**7. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига;

**таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;

квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м2) реализация нархи;

кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

**8. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси 59-"а" уй.

**9. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони $м^2$ |
| Беш қаватли 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 500 000 000 | 4 000 000 000 | 900 | 850 | 1400 |
| Беш қаватли 20 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 6 000 000 000 | 3 200 000 000 | 900 | 500 | 900 |

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Беш қаватли 20 хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли 30 хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишни охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | хонадон | уй рақами | |
| | **ЖАМИ** | | **50** | **1** | **20** | | **1** | **30** | | |
| 3-ҚР | Беруний | Тўқимачи | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 6 июнь, 11.00 |
| 4-ҚР | Беруний | Тўқимачи | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 6 июнь, 11.00 |

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "Svetlana-Kredit" МЧЖнинг 2021 йил 25 майдаги 41-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идорасининг 2021 йил 22 январь, 4 март, 7 апрелдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2 кўчаси, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўм |
|---|---|---|---|
| 1. | 1611 | Серьги 583 пр., о/в 0,89 гр. | 268 700,00 |
| 2. | 1700 | Серьги 583 пр., о/в 7,92 гр. | 2 283 650,00 |
| 3. | 1792 | Серьги 583 пр., о/в 6,43 гр.; кольцо 583 пр., о/в 2,93 гр. | 2 738 150,00 |
| 4. | 1802 | Серьги 583 пр., о/в 4,95 гр. | 1 208 000,00 |
| 5. | 1868 | Браслет 583 пр., о/в 3,79 гр.; перстень 583 пр., о/в 5,21 гр.; кольцо 583 пр., о/в 1,14 гр. | 3 041 150,00 |
| 6. | 1897 | Браслет 583 пр., о/в 4,76 гр. | 1 601 900,00 |
**Мўлжал:** "Ucell" компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

**Телефон:** 99-505-50-40.

*0000195 рақамли гувоҳнома.*

## "Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдога "Oqoltin-Maxsus-suvpudrat" МЧЖнинг 2021 йил 27 май кундаги 67-сонли буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўпламига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:**

Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Фарҳод-5 даҳаси, Фурқат кўчаси, 6-уйда жойлашган **қурилиш майдони** – 197,64 квадрат метр, **умумий ер майдони** – 1 319,0 квадрат метрдан иборат турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси** – 64 982 042 сўм.

**Савдо 2021 йил 29 июнь куни соат 12.00 дан бошлаб Гулистон шаҳри, "Бизнес маркази" биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 28 июнь куни соат 18.00 гача.

**Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 29 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2021 йил 12, 26 июль ва 9, 23 август кунлари соат 12.00 дан бошлаб бўлиб ўтади**.

Такрорий савдо учун аризалар қабул қилиш аукцион бўлиб ўтиш санасидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва "Сотувчи" томонидан белгиланган шартлар асосида белгиланган муддат ичида 100 фоиз тўловни амалга ошириши лозим.

Кўчмас мулк билан "Oqoltin-Maxsus-suvpudrat" МЧЖнинг тегишли вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Тел.:** 91-503-79-79.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилоят филиали қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9049 2060 9006 "Asakabank" АЖ Сирдарё филиали МФО 00373 СТИР 207 122 519.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– аукцион савдода қатнашиш учун ариза (буюртманома), закалат пули тўғрисидаги келишувнинг нусхаси ва закалат пули тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

– жисмоний шахслар фуқаролик паспорти нусхаси, юридик шахслар эса давлат рўйхатидан ўтгани ҳақидаги гувоҳнома ва устав нусхаси;

– агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхаси.

**Манзил:** Гулистон шаҳри, "Бизнес маркази" биноси, 3-қават, 77-хона.

**Тел.:** 67-226-38-91.

**Расмий сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001 сонли лицензия.*


Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан **Хакимова Дилобар Абдуллаевна** номига берилган 306М-18 рақамли баҳолаш рейтинг дафтарчаси йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**


## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "Sitora Sarmoya" МЧЖнинг 2021 йил 25 майдаги 20-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2020 йил 19, 20 ноябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 156-"А", "Чилонзор буюм савдо" комплекси, 36-айвон, 3-қатор, 5-дўкон, 5-қатор, 2-дўкон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 1131 | Кулон; цепочка 583 пр. Общим весом 4,56 гр. | 1 003 285,63 |
| 2. | 1174 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,30 гр. | 558 570,00 |
| 3. | 1237 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,00 гр. | 541 400,00 |
| 4. | 1254 | Кольцо 583 пр. Общим весом 5,20 гр. | 1 146 390,00 |
| 5. | 1275 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,00 гр. | 465 650,00 |
| 6. | 1334 | Кольцо 585 пр.; кольцо 585 пр. Общим весом 7,00 гр. | 1 829 150,00 |
| 7. | 1389 | Серьги 583 пр. Общим весом 3,11 гр. | 768 650,00 |
| 8. | 1405 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,52 гр. | 617 150,00 |
| 9. | 1413 | Кольцо 583 пр. Общим весом 1,90 гр. | 465 650,00 |
| 10. | 1471 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги 375 пр. Общим весом 8,42 гр. | 1 829 150,00 |
| 11. | 1612 | Браслет 583 пр.; колье 583 пр. Общим весом 18,19 гр. | 4 204 986,74 |
| 12. | 1614 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 8,30 гр. | 2 056 400,00 |
| 13. | 1700 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 5,00 гр. | 1 298 900,00 |
| 14. | 1702 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,00 гр. | 476 992,30 |
| 15. | 1768 | Кольцо 583 пр. Общим весом 3,90 гр. | 768 650,00 |
| 16. | 1840 | Серьги 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 8,46 гр. | 1 677 650,00 |
| 17. | 1885 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 7,60 гр. | 2 070 035,00 |
| 18. | 1966 | Кольцо 585 пр. Общим весом 6,54 гр. | 1 980 650,00 |
| 19. | 1969 | Серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 9,19 гр. | 2 813 900,00 |
| 20. | 1977 | Кольцо 583 пр. Общим весом 4,23 гр. | 1 298 900,00 |
| 21. | 2001 | Кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 2,20 гр. | 692 900,00 |
| 22. | 2054 | Кольцо 583 пр.; 375 пр. Общим весом 4,30 гр. | 920 150,00 |
| 23. | 2160 | Серьга 1 шт. 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 4,00 гр. | 1 071 650,00 |
| 24. | 2163 | Серьги 585 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 10,40 гр. | 3 192 650,00 |
| 25. | 2167 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги с583 пр. Общим весом 8,70 гр. | 2 662 400,00 |
| 26. | 2201 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; браслет 583 пр.; браслет 583 пр. Общим весом 12,47 гр. | 3 874 400,00 |
| 27. | 2387 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 6,33 гр. | 1 904 900,00 |
| 28. | 2477 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 9,10 гр. | 2 481 812,00 |
| 29. | 2478 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 5,23 гр. | 1 601 900,00 |
| 30. | 2493 | Кольцо 583 пр. Общим весом 5,00 гр. | 1 526 150,00 |
| 31. | 2523 | Цепочка 583 пр.; серьги 375 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 8,28 гр. | 2 359 400,00 |
| 32. | 2532 | Колье 583 пр. Общим весом 10,05 гр. | 3 116 900,00 |
| 33. | 2551 | Кольцо 583 пр.; 583 пр. Общим весом 6,12 гр. | 1 904 900,00 |
| 34. | 2619 | Серьги 585 пр.; колье 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 24,44 гр. | 7 586 150,00 |
| 35. | 2657 | Цепочка 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 375 пр. Общим весом 12,97 гр. | 3 356 270,00 |
| 36. | 2699 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьга 1 шт. 583 пр. Общим весом 10,01 гр. | 3 116 900,00 |
| 37. | 2729 | Колье 583 пр. Общим весом 10,15 гр. | 3 116 900,00 |
| 38. | 2799 | Кольцо 750 пр.; кулон 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 16,04 гр. | 4 716 512,95 |
| 39. | 2824 | Цепочка 583 пр.; браслет 583 пр.; цепь 583 пр.; кулон 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 22,78 гр. | 6 828 650,00 |
| 40. | 2827 | Кольцо 583 пр. Общим весом 3,40 гр. | 995 900,00 |
| 41. | 2919 | Серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; цепочка 583 пр. Общим весом 24,70 гр. | 7 661 900,00 |
| 42. | 2966 | Кольцо 583 пр. Общим весом 3,30 гр. | 1 051 450,00 |
| 43. | 2971 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 5,28 гр. | 1 367 667,36 |
| 44. | 2995 | Серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 7,55 гр. | 2 057 934,69 |
| 45. | 2997 | Цепочка 583 пр.; цепь с подвеской 583 пр. Общим весом 22,29 гр. | 7 119 025,00 |
| 46. | 3044 | Кольцо 583 пр. Общим весом 1,70 гр. | 465 650,00 |
| 47. | 3049 | Браслет 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 9,20 гр. | 2 813 900,00 |
| 48. | 3077 | Браслет 583 пр. Общим весом 23,53 гр. | 7 283 150,00 |
| 49. | 3078 | Серьги 583 пр.; кулон 583 пр. Общим весом 4,45 гр. | 1 374 650,00 |
| 50. | 3096 | Цепь 583 пр.; кулон 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 95,26 гр. | 26 561 525,00 |
| 51. | 3140 | Цепочка 583 пр. Общим весом 20,83 гр. | 6 449 900,00 |
| 52. | 3142 | Цепь порв. 583 пр. Общим весом 10,46 гр. | 4 455 150,00 |
| 53. | 19 | серьги 583 пр.; цепочка 583 пр. Общим весом 16,28 гр. | 5 010 650,00 |
| 54. | 42 | Кольцо 583 пр. Общим весом 3,04 гр. | 739 531,70 |
| 55. | 58 | Кольцо 583 пр. Общим весом 4,93 гр. | 1 526 150,00 |
| 56. | 79 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 5,40 гр. | 1 677 650,00 |
| 57. | 99 | Цепь 583 пр.; цепь 583 пр.; браслет 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 21,62 гр. | 6 677 150,00 |
| 58. | 109 | Колье 2 шт. 583 пр.; браслет 2 шт. 583 пр.; кулон 583 пр.; кольцо 9 шт. 583 пр.; серьги 583 пр.; цепочка 583 пр. Общим весом 96,40 гр. | 29 856 650,00 |
| 59. | 120 | Серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр.; цепочка с кулоном 583 пр. Общим весом 19,59 гр. | 6 071 150,00 |
| 60. | 139 | Серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр.; браслет 583 пр. Общим весом 22,97 гр. | 7 842 690,00 |
| 61. | 177 | Серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 16,35 гр. | 4 699 374,97 |
| 62. | 182 | Кольцо 583 пр. Общим весом 4,04 гр. | 1 223 150,00 |
| 63. | 188 | Серьги 583 пр. Общим весом 4,94 гр. | 1 526 150,00 |
| 64. | 278 | Браслет 583 пр. Общим весом 1,00 гр. | 314 150,00 |
| 65. | 289 | Серьги 583 пр. Общим весом 3,46 гр. | 1 147 400,00 |
| 66. | 293 | Цепь 583 пр.; кольцо 583 пр.; кулон 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 12,03 гр. | 3 635 030,00 |
| 67. | 318 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,00 гр. | 593 892,23 |
| 68. | 322 | Серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 11,13 гр. | 4 731 325,22 |
| 69. | 351 | Цепь 583 пр. Общим весом 14,90 гр. | 4 934 900,00 |
| 70. | 357 | Кольцо 583 пр. Общим весом 3,00 гр. | 995 900,00 |
| 71. | 365 | Серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо 583 пр.; цепь с кулоном 583 пр. Общим весом 8,83 гр. | 2 637 109,60 |
| 72. | 366 | Кольцо 583 пр.; кольцо 583 пр. Общим весом 7,63 гр. | 2 126 160,85 |
| 73. | 373 | Цепь 583 пр. Общим весом 9,86 гр. | 3 268 400,00 |
| 74. | 383 | Кольцо 583 пр. Общим весом 3,00 гр. | 995 900,00 |
| 75. | 389 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 2,90 гр. | 920 150,00 |
| 76. | 401 | Цепочка 585 пр. Общим весом 8,15 гр. | 2 413 182,50 |
| **Жами бошланғич баҳоси** | | | **249 125 203,74** |

Аукцион савдо **2021 йил 30 июнь** куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 25 июнь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2021 йил 30 июнь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 15, 29 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Давр банк" ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Веб-сайт:** www.rmm.uz.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

Қорақалпоғистон Республикаси

# Оролбўйи ҳудудига улкан эътибор



**Марат УЛПЕТОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи ҳудудини экологик инновация ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюциясига Корея Республикасининг элчиси Кан Чжэ Квон ўз муносабатини билдириб, Оролбўйи ҳудудини қутқариш лойиҳаларига 7 миллион долларга яқин маблағ ажратаётгани тўғрисида маълум қилди.**

– Энг аввало, Ўзбекистонни халқаро жамиятчиликнинг фаол аъзоси сифатида БМТдаги навбатдаги ютуғи билан қутлайман. Бутун одамзот Орол денгизи кризисига муносиб даражада қизиқиш билдириши керак. Бу кризис теварак-атроф, маҳаллий халқнинг турмуши, жамият ва маданият, иқтисод, тараққиёти учун катта муаммолар пайдо этди. Бу фақатгина Марказий Осиё эмас, шунинг билан бирга Осиё минтақаси учун аҳамиятли масала бўлиб топилади, – деб таъкидлаган элчи.

Унинг айтишича, Корея Республикаси Оролбўйи ҳудудини қўллаб-қувватлашга тайёр. Жанубий Кореянинг илмий жамиятчилиги, тиббиёт ташкилотлари, компаниялари ва ижтимоий соҳа вакиллари Ўзбекистон билан биргаликда ушбу лойиҳаларни амалга оширишга фаол қатнашади.

Наманган вилояти

# Кичик саноат зоналари кўпаймоқда

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Янгиқўрғон туманининг "Бунёдкор" МФЙда "Бунёдкор" кичик саноат зонаси ташкил этилди.**

Ҳозиргача бу жойда 24 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг умумий қиймати 45 млрд. 300 млн сўмни ташкил этади.

# Аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўлида

**Чортоқ туманида 7, 9 ва 12 қаватли уй-жойлар қурилишии бошланди.**

Боғ маҳалласидаги 1,8 гектар майдонда "Осиё" МЧЖ томонидан намунавий лойиҳа асосида 7 та 440 хонадондан иборат уйлар бунёд этилади.

Наманган–Чортоқ автомобиль йўлининг туманга киравериш қисмида қуриладиган ушбу уй-жойлар ҳудудида барча қулайликлар яратилиши режалаштирилган.

# Университетда тиббиёт факультети очилади

**2021/2022 ўқув йилидан Наманган давлат университетида олий маълумотли шифокорлар тайёрлаш йўлга қўйилади.**

Бу ерда бакалавриатнинг кундузги таълим йўналишида тиббиёт йўналиши очилиб, ҳозирча даволаш иши ва педиатрия бўйича мутахассислар тайёрланади. Бу йил ҳар икки мутахассислик бўйича йигирма беш нафардан талаба ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган.

Навоий вилояти

# Ички туризм ривожлантирилади

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси жамоаси яқинда Хоразм вилоятига саёҳат уюштирди. Ичанқалъа, Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза, Калта Минор минораси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва бошқа тарихий обидалар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.**

– Саёҳат давомида кўплаб тарихий обидаларни кўриш баробарида замонавий қурилган биноларни ҳам кўрдик, – дейди бошқарма бўлим бошлиғи Шодиёр Мардиев. – Янги ғоялар, фикрлар туғилди, хоразмлик ҳамкасбларимизнинг олиб бораётган ишларидан завқландик. Албатта, ички туризмнинг ривожлантириб борилиши, янгиланишларга қаратилган ҳаракатлардан биридир.

Хоразм ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор қадрият ва анъаналари билан ҳамюртларимиз қаторида хорижий сайёҳларнинг ҳам доимий эътиборида. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда республиканинг барча вилоятларида ички ва халқаро туризм ривожи учун қулай муҳит яратилмоқда. Навоий вилоятида ҳам сайёҳликни ривожлантириш борасида талай ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ўтган даврда бунёд этилган 37 та меҳмонхона, 44 та оилавий меҳмон уйи, 17 та хостел, 4 та ўтовли лагер, 5 та дам олиш маскани маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатяпти. Шунингдек, Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи, Хатирчидаги Ангидон, Лангар қишлоқларига "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" мақомини бериш орқали қўшимча инфратузилмани ривожлантириш мақсадида инвестиция киритиш кўзда тутилган. Шунингдек, бу жойларда осма дор йўл линияларини қуриш келгусидаги устувор вазифалардан биридир.

# Бунёдкорлик мўъжизалари

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мустақиллигимизнинг ўттиз йили эл-юртимиз учун, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиш, қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратди. Истиқлол шукуҳи бугун инсонларимиз қалбини яратувчанлик, бунёдкорлик ҳислари билан тўлдирмоқда.**

Юртимизнинг ҳар гўшасида савлат тўкиб турган қатор ҳашаматли иморатларда қалби эзгуликка йўғрилган халқимизнинг куч-қудрати ва шижоати акс этиб турибди. Навоий шаҳрида ҳам истиқлол йилларида қад ростлаган миллий меъморчиликнинг гўзал намуналарини уйғунлаштирган бетакрор биноларнинг сон-саноғига етиш қийин.

Шу билан бирга кенг ва равон йўллар, боғу хиёбонлар, гулзорлардаги орасталик ҳар қандай кишига кўтаринки кайфият бағишлайди. Шаҳарда уй-жой бинолари қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугун якка тартибдаги уй-жойлар билан бир қаторда кўп қаватли уйлар қурилиши ҳажми тобора кенгайиб боряпти. Масалан, 2016 йилда 19 та турар жой бинолари фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда, 1 минг 500 та хонадонли кўп қаватли турар жой бинолари қурилмоқда. Ҳозирги кунда Навоий шаҳрида "Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан 3 та 7 қаватли ва 5 та 16 қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан 70 дан ортиқ кўп қаватли турар жой биноларининг қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Шунингдек, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига асосан, айни кунларда шаҳардаги «Ёшлик» маҳалласида бунёдкорлик, ободончилик ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Мазкур маҳаллада 5 минг 5 та хонадонда 15 минг 558 нафар аҳоли истиқомат қилади. Дастурга асосан маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш ва кенг миқёсда муҳандислик-коммуникациялар, электр, газ тармоқлари ҳамда ички йўлларда таъмирлаш ишлари олиб бориш учун 17 млрд сўм маблағ йўналтирилган. Ҳудуддаги 1 минг 176 ўринли мактабда эса 6,6 млрд сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Албатта, бундай бунёдкорлик намуналари халқимизнинг кайфиятига ижобий таъсир этиб, уларни янада шижоат билан меҳнат қилишга чорлайди. Бугун истиқлолнинг тенгсиз қудрати инсон манфаатларига, юртдошларимизнинг фаровон турмушига, порлоқ келажагига хизмат қилмоқда.

Фарғона вилояти

# Яккатутда кўп қаватли уйлар

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон туманининг Яккатут қишлоғида "PFC Turon" МЧЖ томонидан 10 та 5 қаватли турар жой бинолари қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.**

Қисқа муддатда шаҳарчага айланиши кутилаётган мазкур мавзеда айни кунларда 4 та турар жой биноларининг 1- ва 2-қаватларидаги хонадонларда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Шу билан бирга "Turon House" деб номланаётган уйларнинг 6 тасида ҳам тез кунларда қурилиш ишлари бошланиши кўзда тутилган.

# Ичимлик сув таъминоти яхшиланади

**Фарғона вилоятида ҳам аҳолининг тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.**

Бу борада олиб борилаётган салмоқли ишлар туфайли туман марказларидан анча узоқ бўлган қишлоқларда ҳам сув таъминотида натижаларга эришиляпти.

Хусусан, Учкўприк туманининг "Яккатут" МФЙ ҳудудида "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан 6 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш, 1 та сув қудуғини қазиш ва 2 та сув минорасини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

# Қурилишлар ФВБ назоратида

**Қувасой шаҳридаги кўплаб бино-иншоотлардаги бунёдкорлик ишлари вилоят ҳудудида рўйхатга олинган режа асосида олиб борилмоқда.**

Мазкур қурилиш майдонларида фавқулодда вазиятларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, янги қурилаётган ҳар бир бино-иншоотларнинг қурилиш меъёр қоидалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шаҳар ФВБ ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, ташкилот ва корхоналарда ёнғин хавфсизлигини олдини олиш юзасидан тарғибот ишлари амалга ошириляпти.

– Ходимларимиз томонидан "Пакана" МФЙда бунёд этилаётган кўп қаватли турар жой биноларида қурилиш-монтаж ишларига жалб қилинган ишчи-хизматчилар, пайвандчилар ва муҳандис-техник ходимлар билан учрашув ўтказилиб, уларга иш жойида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилди, – деди Қувасой шаҳар ФВБ НТБ бошлиғи, катта лейтенант Иброҳимжон Азимов.

Самарқанд вилояти

# Янги фильм яратилади

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аждодлардан мерос қолган муқаддас қадамжолар энг азиз зиёратгоҳларга айланмоқда. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур, улуғ мутафаккир Мирзо Улуғбек ҳамда машҳур ҳукмдор Амир Ялангтўш Баҳодур пайтида айниқса, меъморчилик, адабиёт ва санъат тараққий этиб, юртимиз чинакам уйғониш даврини бошдан кечирган.**



Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб, нақшинкор бинолар силсилалари қурилишини бошлаб берган бўлса, шаҳарнинг юраги ҳисобланган Регистон майдони Улуғбек Мирзо даврида бунёд этилган. Ялангтўш Баҳодур эса беназир аллома яратган бинокорлик мажмуаларининг тузилишини бузмаган ҳолда, вайронага айланган хонахоҳ ва карвонсарой ўрнида Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдиради. Кези келганда шуни айтиш жоизки, Тиллакори масжиди ичкарисига ишлатилган олтиннинг ўзига катта бир обида қуриш мумкин бўлган. Шунингдек, Даҳбет мавзесидаги Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи қурилиши ҳам айнан Баҳодур Ялангтўш буйруғи билан 1618 йилда бошланган. Афсуски, дунёга машҳур Регистон мажмуасининг бунёдкори ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган.

Яқинда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳамкорликда ана шу бўшлиқни тўлдириш ташаббуси билан чиқди. Улар томонидан имзоланган меморандумга мувофиқ, Самарқанд шаҳар ҳокими бўлган Амир Ялангтўш ҳақида ҳужжатларга асосланган фильм яратилишига келишиб олинди. Яна бир гап. Бундан сал илгари ҳокимият ва агентлик ҳамкорлиги туфайли "Матонат" ҳужжатли фильми ҳам суратга олинган эди.

# Шифо маскани чорлайди

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг 50 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан Нуробод туманида янги сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилди.**

– Янги бинода беморлар учун барча шароитлар яратилган, – дейди сиҳатгоҳ директори Нодирбек Камолов. – Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган, муолажа учун зарур родонли сув шу ернинг ўзидан чиқмоқда.

Сиҳатгоҳ очилишига бағишланган тантанада муассасага автобус ва "Дамас" автомашиналари топширилди ҳамда 100 нафар дам олувчига бепул йўлланма берилди.

Жиззах вилояти

# Яратувчанлик ишлари авжида

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг мақсади юртдошларимизнинг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаратилган.**



Бундай яратувчанлик, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари Шароф Рашидов туманидаги Нонисангил маҳалласида яшовчиларнинг қалбида фахр туйғусини уйғотмоқда. Жумладан, бу жойда янги трансформатор ўрнатиш, эскирган симёғочларни алмаштириш, йўлларга қум-шағал ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Уйлар ва кўчалар атрофида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин кечмоқда.

Дастур доирасида ижтимоий соҳа объектларини ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиши назарда тутилган. Янги ўқув йили бошлангунча Тўқчара, Янгиробот, Ардашған қишлоқларидаги 42, 46, 47, 57-сонли умумтаълим мактаблари замонавий кўринишга келтирилади.

– Маҳалламиз кун сайин чирой очмоқда. Яшовчиларнинг узоқ йиллик орзулари ижобат бўлиб, 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди. Эндиликда нафақат 200 нафар болажон боғчали, балки ўнлаб аёллар иш билан таъминланди, –дейди "Нонисангил" МФЙ раиси Иброҳим Мамарасулов.

**Зомин туманидаги Пешағор қишлоғида 15 километрли кўчага асфальт ётқизилди. Ёшлик маҳалласи марказида ҳам ишлар қизғин олиб борилмоқда. 30 метр кенгликда 1,1 километр масофадаги Элобод кўчаси асфальтланиши режалаштирилган. Айни пайтда йўлсозлар 2,2 километр масофага бетон ариқлар ётқизиш, пиёдалар йўлагини қуриш ишларига киришган.**

Ҳудуддаги деҳқон бозори, маҳалла гузари, 5-сонли мактаб биносини таъмирлаш ҳамда Зомин туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 15-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасини янгидан қуриш ишлари бошланган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилиб, яшаш жойлари ва атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Маълумотларга кўра, Ёшлик маҳалласида бошланган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига республика ва маҳаллий давлат бюджетидан 26 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Эндиликда ушбу маҳалла тумандаги энг обод ва кўркам масканга айланади.

Таҳририят назоратга олди

# “Қанийди, ўзимизнинг УЙИМИЗ БЎЛСАЙДИ!”

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ушбу мақолани бошлаш аввалида бир ривоятни келтириш ўринли бўлар, деб ўйлаймиз. Унда таъкидланишича, бир давлатнинг подшоси қўшни ҳудудларни босиб олиш учун ўша юртларга ўз жосусларини жўнатибди. Қайтиб келишгандан сўнг аҳволни суриштирса, биринчисида одамлари ҳеч нима билан шуғулланмасдан, айш-ишратга муккасидан кетган экан. Иккинчисида эса фаровон ҳаёт бўлиб, одамлари хушмуомалали, айниқса, аёлларини жуда қадрлашаркан. Ҳукмдор буларни эшитгач, маишатга берилган давлатни бир ҳамлада эгалласа бўлади, аммо аёлини авайлаган юртни ҳеч қачон мавҳ қилиб бўлмайди, деган экан.**







Гап шундаки, юртимизда оила ва аёлларга бўлган муносабат бугунгичалик қадр топган эмас. Тўғри, шўролар даврида ҳам минбарлардан туриб, баландпарвоз гаплар жуда кўп айтиларди, амалда эса хотин-қизлар бошида тугуни, қўлида гўдагини кўтариб пахта даласига шошилар, тонг саҳардан кун ботгунича эркаклар билан бир хилда меҳнат қилишга маҳкум эди. Бирор кун ишга чиқмаса борми, ҳақорату, маломатлар бошига ёғиларди. Уларни ўқитиш, ҳунарли бўлишини таъминлаш, бу жамиятда инсонлардек яшашига эътибор қаратиш ўша даврдаги раҳбарларнинг хаёлига ҳам келмасди.

Мустақилликнинг изчил ислоҳотлари даврига келиб, хотин-қизлар, уларнинг турмуш тарзига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Орадан унча кўп вақт ўтгани йўқ, аммо бу борада айтса, арзигулик натижалар бор. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Улар орасидан Сенат раиси, сенаторлар ва депутатлар, туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари етишиб чиқди. Айни пайтда Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида хотин-қизларимизнинг фаол иштироки ойнадаги акс сингари яққол кўзга ташланяпти. Демоқчимизки, имкониятлар эшиги очиб берилса, улар қандай ишларга қодирлиги ва ҳеч кимдан кам эмасликларини ҳалол меҳнатлари билан амалда исботлашмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, опа-сингилларимизни йиллар давомида қийнаб келган муаммолар шунчалик кўп экани бу даврда яққол кўзга ташланмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида жамиятимиздаги барча жабҳалар қатори уларни қўллаб-қувватлаш, замонавий касбларга қайта тайёрлаш, уй-жойга эҳтиёжмандларини уй билан таъминлаш, ипотека кредитлари олишларига кўмаклашиш ва доимий ишга бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**“Бундан буён Ўзбекистонда бирорта ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди”** Президентимизнинг бу сўзлари бежизга айтилмаганини бугун барчамиз уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар мисолида ҳис этяпмиз. Бу борадаги муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиб, бартараф этиш учун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тузилди. Айтиш керакки, биргина шу йилнинг ўтган даврида ана шу вазирлик ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси бошчилигидаги ишчи гуруҳининг саъй-ҳаракати билан 80 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг муаммоси ҳал этилиб, 32 минги ишли бўлди, 17 минг нафарига эса Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан амалий ёрдам қилинди.

Мана шу йўналишда давлат раҳбарининг яна бир муҳим ташаббуси билан ушбу муаммолар бўйича манзилли ишлар олиб бориш учун мутлақо янги тизим – “Аёллар дафтари” жорий этилди. Унинг мақсади, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, боқувчисини йўқотган ва ногирони борларни аниқлаб, қўллаб-қувватлашга қаратилган. Айни пайтда камбағал ва муҳтожликда амаллаб кун кечираётган юртдошларимиз мана шу дафтарнинг шарофати туфайли ихтиёрига қараб, қайта ихтисослаштирилгач, доимий ишли бўлиб, ўз оилаларини иқтисодий тангликдан олиб чиқишяпти. Яхшигина ҳунари бор-у, маблағи йўқлигидан “қўли калта”лик қилганларга эса моддий ёрдам кўрсатилаётгани учун улар ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиб, ҳам оиласига, ҳам жамиятга наф келтирмоқда.

Айниқса, оиласида ногирони бор, ўзганинг парваришига муҳтож кишилар бундай ғамхўрликдан миннатдорлигини билдириб, ҳеч бир даврда инсон омили устувор даражага олиб чиқилмаганини эътироф этишяпти. Улар ҳам сизу бизга бегона эмас, бири маҳалладошимиз, бошқаси опамиз ёки синглимиз, бир марта бериладиган ҳаётда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, фаровон яшашни умр бўйи орзу қилишган. Мана шу орзу-истаклар янгиланаётган Ўзбекистон даврида ушаляпти. Давлатимиз бу мақсадни тўлалигича қарор топтириш учун қанча маблағ зарур бўлса, аямаяпти.

Таассуфки, “Шаф-шаф” дегани билан шафтоли пишавермас экан. Тўғридан-тўғри асосий мақсадга ўтмасдан бу борада амалга оширилаётган узлуксиз ислоҳотларга батафсил тўхталишимизнинг боиси бор. Давлатимиз инсон омилига бефарқ бўлмаслик, биринчи галда фуқароларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш ва барча шароитларни яратиб беришни асосий мақсадга айлантириб, “Инсонларга наф келтириш олий бахт” шиори остида саъй-ҳаракатларни жадаллаштираётган даврда буни ҳис қилмаётганлар ҳам учраб турибди. Уларнинг масъулиятни англамаётгани туфайли айрим фуқаролар йиллар давомида ўз оиласини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишга ёрдам беришларини сўраб турли ташкилотларнинг раҳбарлари эшиги ортида соатлаб муте бўлиб туриши, буниси етмагандай, ўзлари ечим топишга имкони бор ишни бошқа ташкилотлар бажаришини важ қилиб, сарсон-саргардонликларни келтириб чиқаришларига қандай баҳо бериш мумкин.

Яқинда таҳририятга пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Отчопар-1 маҳалласи, Карим Зарипов кўчаси, 14-ётоқхонада яшовчи Феруза Ирисова шикоят-ариза билан мурожаат қилди. Суҳбатлашиш асносида уй-жой масаласида муаммоси борлиги, ҳозирги кунда шароити йўқ ётоқхонада туриши, бу масалада ёрдам сўраб кўплаб нуфузли ташкилотларга мурожаатлар қилганига қарамай, “бор отангга, бор онангга” қабилида амалий натижа бўлмаётганини куйиниб сўзларкан, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат сиёсатини самарали амалга оширишга йўналтирилган ҳамда маҳалла ва хонадонларгача кириб борадиган вертикал тизим бу борада қандай муносабатда экан, деган фикр кўнгилдан ўтди. Шу сабабли шикоят-аризани қандай ёзилган бўлса, шундайлигича, таҳрирсиз чоп этишни лозим топдик.

*“Сизларга мурожаат қилишимдан мақсадим, 2003 йилдан буён уй-жойга муҳтожлигимдир. Тўрт нафар фарзандим бор, ҳаммаси мактаб ёшида. Шу пайтга қадар мана шу масала бўйича бир неча дахлдор ташкилотларга, Юнусобод тумани ҳокимига бир неча бор аризалар ёздим. Муаммо ҳал бўлмаганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига ҳам мурожаат қилдим, лекин бу даргоҳдагилардан ҳам тайинли жавоб ололмадим.*

*2003 йилда турмушга чиққан бўлсам, шу йилдан бери турли хонадонларда ижарама-ижара сарсон бўлиб юрибман. Бир йилча онамнинг уйида яшадик, турмуш қурганимиздан кейин. Уйланадиган укам бор бўлгани сабабли, ўзи уч хонада туришгани учун чиқишга мажбур бўлдик. Шаҳарда квартира пулини тўлашга қийналганимиз учун Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоғида дала ҳовлида яшадик, бир танишимизни уйи эди, светдан бошқа ҳеч қандай шароити йўқ эди. Сувни бўйида турганимиз учун уйимизга ҳар хил ҳашаротлар, илонлар ҳам кириб қолган пайтлар бўлди. Иложимиз йўқлигидан шу шароитда беш йил яшадик.*

*Турмуш ўртоғим – Бозорбоев Раҳматулла Рўзимуҳаммедович 1973 йилда Қирғизистонда туғилган. 1997 йилда Тошкентга келган. Ҳозирда Бодомзор йўли кўчаси, 52/5-уй, 1-хонадон манзилида рўйхатга турган эди, уйнинг эгаси яқинда огоҳлантириб кетди, бу жой ҳам сносга тушган экан, яқинда бузилармиш. Кейин қаерга пропискада туради, билмадик. Турмушдошим ўзига муносиб иш тополмаганидан ҳозирча стоянкада ишлайди.*

*Юнусобод тумани ҳокимятига бир неча марта мурожаат қилганимдан кейин 14-ётоқхонага вақтинчалик жойлаштиришди. Аммо у ерда ҳам бизни доимий рўйхатга қўйишмади.*

*Фарзандларим катта бўлиб қолишди. Энг каттаси 17 ёшда. Ётоқхонада ҳар хил одамлар тургани боис, болаларимнинг тарбияси бузилиб кетаяпти. Бу жойда қамалиб чиққан, безорилар, ичувчи ва чекувчилар ҳам яшашади, кунда жанжал-тўполон бўлади. Овқат пишириш хонаси, ҳожатхона, ювиниш хоналари умумий, иссиқ сув йўқ. Ўзим ҳам бирор жойда ишлай десам, 7 ёшли қизимни ёлғиз ташлаб кетишга қўрқаман. Ётоқхонада ҳар хил вазият бўлгани учун одам қўрқади. Яшаш учун мутлақо шароит йўқ.*

*Болаларим катта бўлиб қолишди, ҳадемай бирини уйлантириш, бошқасини узатиш керак. Ётоқхонадаги бундай шароитда келин олиб келиб бўлмаса. Қанийди, бизнинг оиламизнинг ҳам ўз шахсий хонадони бўлса, деб болаларим ётоқхонадаги нотинчликлар пайтида хархаша қилиб қолишади. Шундай пайтда эзилиб кетаман, кимга дардимни айтишни билмай қоламан, оиламизнинг ҳам бу муҳтожликдаги армонлари ушалиб бизлар ҳам одамлардек яшарканмизми. Айниқса бундай пайтларда ўғлимдан хавотирланаман, чунки ўғлим Умиджонни 2019 йил октябрда юрагини операция қилдирганмиз. Операция жуда оғир кечганлиги сабабли шифокорлар болага доимо тинчлик керак дейишган. Лекин бизда ҳеч ҳам тинчлик бўлмайди. Уни соғлигидан ҳам хавотирдаман.*

*Уй-жой томонидан ёрдам берадиган қариндош-уруғим ҳам йўқ. Ҳаммасининг шароити оғир. Кимдан ёрдам сўраб боришни билмайман, тўғриси.*

*Болаларим ҳам доимо орзу қилишади, “Ўзимизни уйимиз бўлсайди” деб. Ҳурматли бош муҳаррир, мени шу пайтгача бир неча бор дардимни айтиш учун эшиклари ортида соатлаб куттириб, сўнг ҳеч қандай амалий ёрдам бермасдан муҳтожнинг дардини эшитиб, унга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига ортимдан қоғозларни тўлдириб жўнатаётган халқимизнинг ишончли вакиллари сизлар нима деб ўйлайсизлар, фарзандларимнинг, оиламнинг ҳам бир умрлик орзулари ушалиб, биз ҳам бошқалардек яшармикинмиз?!*

***Таҳририятга йўллаган шикоят-аризам жавобсиз қолмаслигидан умидворман деб Феруза Ирисова*”.**

Хатда битилганларидан ташқари қайд қилинган ташкилотларга йўлланган мурожаатлар ва у жойлардан бир-бирларига “узатилган” жавобларнинг нусхалари ҳам илова қилинган. Уларни кўрган ва ўқиган киши ҳайрон қолади, негаки, битта жавобни бир неча нусхада тайёрлаб, сўнг турли ташкилотларнинг номидан юборилгандек, гўё. Бунга аниқлик киритиш мақсадида уларнинг баъзиларига қўнғироқ қилдик. Жавоб ўрнида бирида йиғилиш кетаётган бўлса, бошқасида эса яна эски гап: “Бизга йўлланган шикоят-аризада келтирилган важларга ваколат доирасида жавоб берганмиз”, дейишмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, фуқароларнинг бу каби мурожаат ва муаммоларини туманларнинг ҳокимликларида ўтирган мутасаддилар, юқори этапдаги халқнинг ишончли вакиллари ҳал қилолмаса, ким ҳал этади? Аризачининг дард тўла ёзилган сўзларини ўқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритиш орқали уларга ёрдам берилаётган бугунги кунда Юнусобод тумани ҳокимлигида бу иш йўлга қўйилмаганми, деган саволга дуч келасан киши. Сабаби, оилада бор-йўғи битта боқувчи, у ҳам бўлса кунлик иш билан шуғулланади. Наҳотки, шунча аризаларни ўрганган туман ҳокимлиги мутасаддилари аризачини ёки унинг турмуш ўртоғини, бўйига етган фарзандини бирон иш билан таъминлаш тўғрисида ўйлаб кўришмаган бўлишса?

Ёзилган аризани атрофлича ўрганиш асносида Ф. Ирисова таърифлаган ётоқхонада ҳам бўлдик. У ердаги аҳвол ҳаминқадар. Бинога кириш йўлаги, ошхона, ҳожатхона, ювиниш хоналари жиддий таъмирталаб. У ерга қўйилган, анча йиллар давомида фойдаланишдан эскирган ускуналар ҳам талабга жавоб бермайди. Яхшики, Феруза каби ўзбек аёллари бор. Бундай дейишимизнинг сабаби, оила яшайдиган хоналар унинг меҳнати эвазигагина оз бўлса-да, уй-жой кўринишини олган. Албатта, бунинг учун қанча меҳнат қилингани сир эмас. Фарзандларининг орасталли хонадонда яшашини қайси ота-она истамайди?

Яна бир муҳим гап, давлатимиз раҳбари хотин-қизлар муаммолари билан боғлиқ масалаларга тўхталаркан: **“Биз яхши тушунамиз – хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Барчамиз – Президентдан бошлаб энг қуйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, ана шу муҳим мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади”**.

Қисқаси, юқорида келтирилган шикоят-ариза билан боғлиқ ҳолат мана шулардан иборат. Булардан хулоса чиқаришга шошилмайлик, уни Феруза Ирисова мурожаат қилган ташкилотдаги мутасаддилар, Юнусобод тумани ҳокимлигидагилар яна бир бор жиддий ўйлаб кўришларига ишонамиз. Таҳририят эса улардан жавоб кутиб қолади.

Огоҳлик давр талаби

# Коррупцияга қарши жамоатчилик назорати

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан коррупцияни тугатиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилмаслик юзасидан кўплаб ҳужжатлар амалиётга татбиқ этиляпти, корхона, ташкилотларда ўтаётган тадбирлар, йиғилишларнинг мазмун-моҳияти ҳам шу ҳақида.**

Бироқ шуларга қарамасдан айрим соҳаларда коррупция кўзга ташланмоқда. Ўз касбига хиёнат қилган, амалидан фойдаланиб фуқаролардан пора олган кимсаларнинг жамиятимизда учраётгани ачинарли ҳол. Яқинда ана шундайларнинг устидан суд ҳукми ўқилди.

Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судида Баҳриддин Мусаев ва Шуҳрат Нуриддинов (исм-шарифлар ўзгартирилди)га нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи Б. Мусаев Республика транспорт вазирлигининг Навоий вилояти транспорт бошқармаси инспектори вазифасида ишлаб келиб, ҳамкасби Ш. Нуриддинов билан биргаликда “Спарк” русумли автотранспорт воситасини тўхтатиб, ҳайдовчи Р. Н.дан ҳужжатларини олиб, унинг йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланаётганини аниқлагач, ноқонуний равишда бу фаолият билан шуғуллангани учун маъмурий баённома расмийлаштирмаслик эвазига бир миллион сўм пул талаб қилган.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деган мақол бежизга эмас. Инспекторларнинг ноқонуний ҳаракати кўпдан буён ҳайдовчиларнинг ғашига тегиб келаётгани боис, улар ички ишлар органига мурожаат этишган. Суд мажлисида иштирок этган гувоҳ, ҳайдовчи Н. Рўзиев шахсий автотранспорт воситасида лицензия олиб, қонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланишини, Навоий транспорт бошқармаси ходимлари Баҳриддин, Шуҳрат исмли йигитлар, “такси”чиларга баённома тузмаслик учун беш юз мингдан бир миллион беш юз минг сўмгача пора сўраб келаётганини, у бу ҳолатни тўхтатиш мақсадида Навоий вилояти ИИБга мурожаат қилиб ўз автомашинасида тадбирда қатнашишга рози бўлганини айтди. Тадбирда ҳайдовчи юқоридаги инспекторларнинг ҳар доимгидек “Самарқанд пости”да ўтиришини тахмин қилиб, ўша томонга ҳаракатланиб, икки нафар фуқарони йўловчи сифатида машинасига ўтқазиб олади. Қисқаси, пора миқдори савдолашилиб, охири бир миллионга тўхталгач, ҳайдовчини Баҳриддин йўл четидаги хонага таклиф этиб пулларни олаётганида ашёвий далил билан ушланди.

Жамоатчиликнинг уйғоқлиги, қонунбузилиш ҳолатларга нисбатан муросасизлиги оқибатида икки порахўр хизматчининг жиноий фаолиятига барҳам берилди. Бироқ, масаланинг иккинчи томони, судланувчиларнинг ҳар иккаласи 30 ёшга тўлмаган, ишга кирганига 3 йил бўлган ходимлар эканидир. Уларнинг ҳар иккаласи суд залидан қамоққа олинди, эндиликда ёш умрини оиласидан йироқда, озодликдан маҳрум бўлиб ўтказишга мажбур.

Қонунларимизда пора олган ва берган учун ҳам жавобгарлик муқаррарлигини унутмаслик керак. Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Зеро, ҳар биримиз, қонун иштирокчисимиз. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш эса оиладан, болаликдан бошланади. Маҳалла, кенг жамоатчилик биргалашиб ҳамкорлик қилган ерда илллат илдиз отмайди, ёшлар йўлдан адашмайди.

Аслида ҳар бир ўтаётган кунимиз, олаётган нафасимиз, умримиз ўлчовли. Хатти-ҳаракатимизни минглаб, миллионлаб кўзлар кузатиб турибди. Бу дунёда тўғри ва ҳалол яшаш ҳам – неъмат эканини унутмайлик.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Май ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Архитектура лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Баҳодир Касимов,**

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ИКТ мутахассиси **Мухаммад-Мусо Исабаев,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси юрисконсульти **Отабек Игамбердиев,**

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси архивариуси **Шаходат Бекмуродова,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қашқадарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Садриддин Ҳикматов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали компьютер муҳандиси **Хусниддин Эшниязов,**

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Исломхон Сайдахмедов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қоровули **Тургунов Ахмаджон,** ҳайдовчи **Хасанов Хусниддин,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси УК фарроши **Марҳабо Джалилова,** Каттақўрғон шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шахбоз Нарзуллаев,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Элбек Сатторов,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази кичик мутахассиси **Алижон Раҳимов,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бош архитектор **Тўлқинжон Султонов,**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Жавоҳир Исроилов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали мутахассиси **Рухсора Камалова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-543.
2544 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 23.20. Топширилди – 00.50. 1 2 3 4 5 6